

Ўрдакча, пахмок айикча, маймунча ҳамда оппокина гозча калин дўст эдилар. Кунлардан бир кун бу ахил огайнилар кўм-кўк уммон бўйлаб саёхатга чиқишди.

Кандай ажойиб дамлар! Чайкалар уларга “Салом” дея теграсларида чарх уриб парвоз килишар, учувчи баликчалар денгиз юзасидан сапчиб хавога сакрашар ва дўстларни олқишлашар эди.

...Кўккисдан бўрон кўзгалди.

Дўстларнинг кайиги тарак-турук овоз чиқариб, қоятошларга урилди.

Ўрдакча шунчалик кўркиб кетдики, натижада у Ўз жонини кутқариш учун кайикдан сувга сакради.

- Ўрдакча, ортингга кайт, дея кичкиришди дўстлари узоклашаётган кайикдан туриб унга. Бирок Ўрдакча хатто кайрилиб ҳам карамади.

Дўстлар Ўрдакчанинг кетиб колганидан жуда ҳам афсусда эдилар. Хозир эса улар бўронда зарар кўрган кайикларини тузатишлари керак эди.

Чайкалар<sup>1</sup> – баликхўр денгиз кушлари

Нихоят кайик ҳам тузалди. Айикча дўстларига : - Мен кайикни бошқараман, - деди. Мен кеманинг сузишини таъминлайман, - дея лукма ташлади Гозча ҳам. – Мен эса атрофни кузатаман, - дея елкан устига тирмашиб чика бошлади маймунча.

Бироз фурсат ўтгач, маймунча бирдан кичкириб юборди: Каранглар! У ерда кимдир биз томон келяпти!

- О, худойим! Тимсох Ўрдакчани кувлаб келяпти-ку!

- Тезрок! Тезрок! Буёкка кел! Биз буёкдамиз! – дея кичкиришди дўстлари Ўрдакчага.

Хаммаси кўнгилдагидек бўлди. Ўрдакча яна хавфсиз жойга – дўстлари олдига кайтди.

Ўрдакча дўстларининг юзига каролмай, каттик хижолат чекди.

- Бундан буён ҳеч қачон сизлардан ажралмайман, - деди у ниҳоят.

Шундай қилиб, улар сузишда давом этишди.

Маймунча уфқ ортидан қорайиб келаётган булутлар тўдасини кўриб қолди.

- Тайёр турунлар, хозир бўрон бошланади, - дея дўстларини огохлантирди маймунча.

Бўрон бошланди.

Айикча кўлидан келганча кайикни бошқарди. Ўрдакча ва ок Гозча маймунча мачтадан сирғалиб тушаётган пайтда елканни пастга туширишди.

Кайик тўлкинлар орасида гох юқорига кўтарилиб, гох пастга шўнгиб писта пўчогидай қалқиб борарди.

- Ўрдакча, сен кўркаяпсанми? – деб сўради айикча.

- Йўк! Мен сен биланман – деб жавоб қайтарди Ўрдакча.

Ниҳоят, улар дахшатли бўронни енгиб чиқишди ва кадрдон уйлари томон охиста сузиб кетишди.

Пекин, 1965

Инглиз тилидан Дилмурод Усмонов таржимаси

